# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2013 йил — Обод турмуш йили

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2013-YIL 19-IYUL, JUMA, 88 (8169)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




Тараққиёт шиддати жадал бўлган бугунги замонда ҳар бир ишни замонавий технологиясиз тасаввур этиб бўлмайди. Оддий мисол сифатида тикувчиликни олиб кўрайлик. Бугун бир игнаю бир ғалтак ип билан тадбиркорлигу ҳунармандликни қўйверинг, оиланинг ҳам эҳтиёжини қондириб бўлмайди...

2



Халқимиз қадим-қадимдан ўз қадр-қимматини англаб яшашни, ор-номус ва ғурур учун курашни ҳаёт мазмуни билган. Истиқлол йилларида Президентимиз раҳбарлигида эркин, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасини – қишлоқ ва шаҳар ўртасидаги тафовут тобора камайиб бораётганида ҳам яққол кўриш мумкин.

3



Ўз ҳовлисини маҳалла стадионига, уйини спорт музейига айлантирган одамни учратганмисиз? Учратмаган бўлсангиз Самарқанд шаҳрида яшовчи Мамажон Аҳмедов хонадонига бир қўниб ўтинг. Мамажон ака Шоҳизинда яқинидаги Обимашҳад маҳалласида отаси Аҳмад полвондан қолган кенг-мўл ҳовлида истиқомат қилади...

4

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

# ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!




Фарғона Вилояти



**Қувасой ўзининг ажойиб табиат манзараси, сўлим ва бетакрор мевали боғроғлари билан киши эътиборини ҳамиша ўзига тортиб келган. Айниқса, ёзнинг пишиқчилик пайтларида Қувасойда бўлган киши мевасини кўтаролмай шохлари эгилиб қолган боғларга боқиб, миришкор боғбонлар меҳнатига таҳсинлар айтади.**

## Боғлар тобора кенгаймоқда

– Ҳудудимизда 676 та фермер хўжаликлари фаолият олиб бораётир, – дейди Қувасой фермерлар кенгаши раиси Собиржон Акбаров. – Уларнинг аксарияти боғдорчилик, сабзавотчилик ҳамда бошоқли дон етиштиришга ихтисослашган. Жорий йил шаҳримиз меҳнат аҳли учун муваффақиятли келиб, деярли барча соҳаларда катта ютуқлар қўлга киритилмоқда. Айниқса, бошоқли дон етиштириш ва уни давлатга сотиш бўйича юқори кўрсаткичларга эришилди. Юксак ғалла хирмонида "Найман Тоштемир барака", "ТММ-Маматқул" ва бошқа бир қатор фермер хўжаликларининг муносиб улушлари бор, албатта.



Айни пайтда боғ-роғларимизда пишиқчилик даври бошланди. Мавжуд 6350 гектар майдондаги мевали боғларнинг 2500 гектари шафтолизор, 1200 гектари олмазор, 800 гектари олхўризор, 800 гектари гилос ва бошқа боғ-роғларни ташкил этади. Жорий йилда боғ-роғларимиздан ҳар хил турдаги мевачевалар етиштириб, эл-юрт дастурхонига тортиқ этиш кўзда тутилган. Шу боис, айни кунларда қалб қўри, пешона тери эвазига пишиб етилаётган ноз-неъматларни нест-нобуд қилмай териб олиш ва бозорларни сифатли ҳамда арзон мевалар билан таъминлаш юмушлари кун сайин авж олдирилмоқда. Бунда "Фар-Баҳодир боғи", "Ҳомиджон келажак боғи", "Кўпайсинобод" каби фермер хўжаликлари аъзолари жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилишмоқда.

Боғдорчилик қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири бўлгани боис, мамлакатимизда мазкур соҳага катта аҳамият берилиб, уни илғор технологиялар асосида янада ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Айниқса, кейинги йилларда жойларда интенсив боғлар барпо этилаётганлиги, бу илғор усул ўзининг афзаллик жиҳатлари билан ижобий самара бераётганлигини Қувасой боғларида ҳам кузатдик. Ўтган давр мобайнида 60 гектар майдонда интенсив боғлар яратилган. Уларнинг аксарияти мевага кириб, ҳосил бера бошлади.

Аҳолини қишда ҳам сархил мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида замонавий совиткичхоналар бунёд этиш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Сирасини айтганда, қувасойлик миришкорлар боғ-роғларни ҳам катта даромад манбаига айлантириб, юрт фаровонлиги ошишига муносиб улуш қўшмоқдалар.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**
*Аҳмад ҲАМДАМ олган суратлар.*

Андижон Вилояти

## МЕҲНАТИ ШАРАФЛАНГАННИНГ ҚАЛБИ ҒУРУРГА ТЎЛАДИ

**Шаҳрихон туманидаги Эркиной Назирова раҳбарлик қилаётган "Замин" фермер хўжалигида бўлганимизда барчанинг кўтаринки кайфиятда эканлигини ҳис қилдик.**

– Бунинг боиси, ғалла ҳосилдорлигини 80 центнердан оширганимизда, – дейди фермер Эркиной Назирова. – Ҳосилдорлик юқори бўлса, манфаатдорлик ҳам ошади. Дилинг яйрайди, кўнгил қувнайди. Айниқса, мўл ҳосил тўпланган далада комбайннинг зўриқиб ишлашини кузатишнинг завқи бошқача бўлади.

Фермер хўжалиги аъзоларининг барчаси миришкор ғаллакор. Бу ерда иш илмий асосланган ҳолда ташкил этилган. Жорий йилда ҳам агротехникага изчил амал қилиниши, минерал ва маҳаллий ўғитлардан фойдаланишдаги уйғунлик, суғоришда мувозанатни сақлаш, зараркунанда ҳамда бегона ўтларга қарши изчил кураш ўз натижасини берди. Захкашликка мойил дала шароитида юқори ҳосилдорликка эришилди. Тайёрланган ҳосилнинг асосий қисми уруғлик учун қабул қилинди.

Улуғбек Охунов раҳбарлик қилаётган Избоскан туманидаги "Чўнгбоғиш элита" фермер хўжалигида 100 гектар ерда ғалла етиштирилди. Қабул пунктларига 350 тонна дон етказиб берилди. Фермернинг ихтиёрида яна шунча дон қолди. Механизатор ва сувчиларнинг уйига 2 тоннадан 5 тоннагача дон кирди. Шу кунларда эски шийпон ўрнида янгиси қад ростлаяпти.

Баliқчи туманидаги Баҳромжон Қосимов раҳбарлик қилаётган "Обиджон ота" фермер хўжалиги шартнома режасини ошириб бажаришда кўпчиликка ўрнак бўлди. Давлатга ғалла сотиш режаси 140 фоизга уддаланди. 95 гектар майдонда ғалланинг "Бобур" ва "Звезда" навлари парваришланди. Режадаги 564 тонна ўрнига 960 тонна ғалла етиштирилди. Тайёрлов корхонасига 306 тонна ўрнига 427 тонна дон топширилди. Тайёрланган ғалланинг салмоқли қисми уруғликка ўтди.

Ғалла тайёрлаш шартнома режасини 121 фоизга бажарган Балиқчи туманидаги "Коинот" фермер хўжалиги раҳбари Соҳибахон Худойбердиева билан Чинобод қишлоғининг Қияли маҳалласида барпо этилаётган намунавий лойиҳадаги уй-жойлар қурилиши майдонида кўришдик.

– Хўжалигимизда ғалла ва пахтадан мунтазам равишда юқори ҳосил олиш эвазига даромадимизга даромад қўшиляпти, – дейди Соҳибахон Худойбердиева. – Қурилаётган янги уйлардан бири менинг буюртмам бўйича тикланяпти. Худо хоҳласа, Мустақиллик байрами арафасида ҳовли тўйи ўтказамиз. Мен каби фермерлардан яна етти нафари янги уйли бўлишяпти. Шунинг ўзи ҳам фермернинг иши барорли, қўли узун бўлаётганлигидан дарак беради.

Соҳибахон ҳақ. Вилоятда барпо этилаётган намунавий лойиҳадаги уйлар эгаларининг аксариятини фермерлар ташкил этмоқда. Энг замонавий русумдаги техникаларни харид қилаётганлар ҳам, кўп тармоқли ишлаб чиқаришни ташкил этиб, янги иш ўринлари яратаётганлар ҳам фермерлар. 150 та фермер хўжалигида намунали дала шийпонлари қурилиши бошланганлиги ҳам деҳқончилик маданиятининг йилдан-йилга юксалиб бораётганлигига ишора.



Олтинкўл туманидаги "Олтинкўл водий гулшани", Пахтаобод туманидаги "Сарвиноз парвоз", Бўз туманидаги "Робияхон Каримова", Марҳамат туманидаги "Ойдин йўл", Жалақудуқ туманидаги "Бешкарам", Хўжаобод туманидаги "Қорабулоқ ғурури", Асака туманидаги "Қорасув баҳодири" каби фермер хўжаликларида ҳам мўл ҳосил яратилдики, юртимиз ғаллачилигининг эртаси бундан-да порлоқ эканлиги ўз исботини топди.

Жорий йил шартнома режаси учун 80 минг 200 гектар майдонда бошоқли экинлар парвариш қилган андижонлик фермерлар қалбида байрам кайфияти ҳукмрон. Давлатга ғалла сотиш режаси ортиғи билан уддаланди. Миришкор деҳқонлар, серғайрат фермерлар меҳнати шарафланмоқда.

**Қобилжон АСҚАРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# «O'ZBEKISTON MUSTAQILLIKKA ERISHISH OSTONASIDA»

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китоби "Ўзбекистон" нашриёти томонидан лотин графикасига асосланган ўзбек ёзувида нашрдан чиқарилди.*

Маълумки, 2011 йили эълон қилинган бу китоб мамлакатимиз раҳбарининг Ўзбекистоннинг ўз давлат мустақиллигини қўлга киритиш арафасида ва ундан кейинги дастлабки ойларда олиб борган жўшқин ва серқирра фаолиятини акс эттиради.

Ўтган давр мобайнида бу фундаментал асарга бўлган қизиқиш ва эътибор янада кучайиб бормоқда. Мамлакатимиз ва хориждаги таниқли эксперт ва таҳлилчилар, кенг жамоатчилик томонидан ушбу китоб Ўзбекистонда давлат мустақиллигига эришиш йўлида халқимиз босиб ўтган ғоят оғир ва машаққатли курашлар йўлини ёритишда энг ишончли манба сифатида баҳоланиб, вақт ўтиши билан унинг ижтимоий-сиёсий, илмий-назарий ва амалий қиммати, жумладан, ўтмишни англаш, бугунги кунни қадрлаш ва келажакка ҳушёр ва сергак назар билан қараб яшашга ўргатишдаги аҳамияти тобора ортиб бораётгани таъкидланмоқда.




Тўпламда давлатимиз раҳбарининг 1989 йил 24 июндан 1992 йил 4 январга қадар, яъни республикамиз раҳбари сифатидаги фаолиятининг биринчи кунидан бошлаб мустақил Ўзбекистон Президенти этиб сайланиши ва ўз вазифасини бажаришга киришиш санасигача бўлган даврда сўзлаган нутқ, маъруза, мақола ва интервьюлари, Юртбошимиз томонидан имзоланган фармон, қарор ва қонунлар ўрин олган.

Бугунги кунда тарихнинг ноёб мулкига айланган бу ҳужжатлар ҳар томонлама ҳаётий ва мантиқий асосга эга экани, таҳлилий руҳи, муаллифнинг улкан интеллектуал салоҳияти, ҳар қандай шароитда ҳам Ўзбекистон манфаатини қатъий туриб ҳимоя қилишга қаратилган принципиал позицияси, нотиқлик маҳоратини ёрқин акс эттириши билан ҳеч кимни бепарво қолдирмайди. Кўпгина нутқ ва маърузаларнинг матнлари архив ҳужжатлари асосида тиклангани, яъни тўплам бутунлай бирламчи, асл манбалар асосида тузилгани унинг тарихий ва илмий қимматини янада оширади.

Мазкур асарда республикамизда ҳукм сурган ғоят мураккаб сиёсий, ижтимоий-иқтисодий вазиятда халқимиз бошидан кечирган таҳликали воқеалар хронологик тарзда, кетма-кет ёритилмасдан, ўша даврнинг сиёсий манзарасини тўлиқ акс эттирадиган чуқур таҳлиллар, яқин ва узоқ истиқболни кўзлаб илгари сурилган муҳим стратегик қарашлар, концептуал ёндашув ва хулосалар орқали ифода этилади. Уларнинг барчасини мустақиллик ғояси, таъбир жоиз бўлса, бамисоли қизил ип каби бирлаштириб туради. Шунинг учун ҳам ушбу тўплам яхлит асар сингари катта қизиқиш ва ҳаяжон билан ўқилади.

Ўзида сиёсий-иқтисодий, ғоявий-мафкуравий, тарихий-маънавий тафаккур ва таҳлил усулларини ўзаро уйғунликда мужассам этган бу кенг қамровли асар халқимиз ҳаётининг вақт ўтиши билан унутилиб, йўқолиб кетиши мумкин бўлган саҳифаларини тиклаб, истиқлол тарихимизни ҳаққоний асосда яратиш, бугунги ва келгуси авлодларнинг уни ҳар томонлама ўрганиб, англаб етишлари учун мустаҳкам замин яратади.

Президент Ислом Каримовнинг халқимизнинг сиёсий тафаккур хазинасига бебаҳо ҳисса бўлиб қўшилган "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китоби истиқлол туфайли асл илдизларимизга қайтиб, ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш ҳуқуқига эга бўлганимиз, авлодларга ибрат ва намуна бўладиган буюк ишларни амалга оширганимизнинг ноёб тарихий солномасидир.

Китобнинг лотин графикасига асосланган ўзбек ёзувидаги янги нашри биз учун энг эзгу, энг азиз қадриятга айланган ана шу тарихий ҳақиқатни халқимиз, айниқса, ёш авлод онгига сингдиришда, ҳеч шубҳасиз, ғоят муҳим аҳамият касб этади.

**ЎзА**

Жиззах Вилояти

# ЗАВҚЛИ МЕҲНАТ — МАРОҚЛИ ҲОРДИҚ

## БУ БОРАДА ДЎСТЛИК ТУМАНИДА ИБРАТЛИ ТАЖРИБА ТЎПЛАНГАН

**Дўстлик туманининг Наврўз қишлоғи марказидан Мурод Абдувосиев номли сув истеъмолчилари уюшмаси далаларига бориладиган йўл ёқасидаги бахаво бино кишилар билан гавжум. Сув истеъмолчилар уюшмаси раиси Эшмурод Файзиев, бош агроном Миркомил Ғайбуллаев, тажрибали сувчилар, ҳозиргина даладан қайтган механизаторлар ва бошқа мутахассислар тўпланиб, механизаторларнинг кундузги иш натижаларини таҳлил этиб, сувчиларнинг тунги вазифаларини белгилашмоқда. Барчанинг юз-кўзидаги мамнуният бугунги иш натижалари унумли бўлганини кўрсатиб турибди.**



— Раҳмат сизларга! — деди Эшмурод Файзиев механизаторларга. — Кун бўйи хеч биригингизнинг тракторингиз тўхтамади. Кеча кечкурун техник қаровларни яхши ўтказганингиз, тунда кўнглидагидай дам олганингиз натижаси бу. Ҳар бир культиватор ҳисобига 5,5 гектардан, жами 175 гектар ғўза қатор ораларига ишлов берибсиз. Кечагидан 16 гектар зиёд. Ҳозирги ишловнинг баҳоси йўқ. Биринчидан, культивациялар олдинги ишлов ва суғоришдан сўнг маълум даражада ўзлаштирилмай қолган қолдиқ азот, калий, фосфор, маҳаллий ўғит, барчасини аралаштириб-қориштириб, қўшимча озуқа манбаи яратади. Иккинчидан, тобора шох ёйиб, гул ва кўсакларини кўпайтириб, эгатларни ҳам, далани ҳам тўлдираётган ғўза илдизлари яйраб, ҳаво алмашинуви яхшиланади. Бешинчи ишловни бир йўла эгат олиш билан ўтказаётганимиз туфайли энди 2-3 кун давомида ғўзаларнинг пой қисмида бўғриқиш вужудга келиб, ривожини, айниқса, шоналаш, гуллаш, кўсаклаш жараёнларини кучайтиради, сувга талабини оширади. Ана шундан сўнг сув таралса, гуллар гулдасталарга, кўсаклар олтин кўзаларга айланаверади. Дарвоқе, бу оқшом далада ишлайдиган сувчилар ҳам буни тасдиқлаши мумкин. Шундайми, сувчилар? Кундузи яхши дам олдингларми? Тушлик ва кечлик овқатларингизда камчилик йўқми?

— Ҳаммаси жойида! — деди бир четда кетмон тутиб турган сувчи йигитлардан бири. — Энди обиҳаётдан камчилик бўлмаса, тун бўйи биз ҳам мириқиб ишлаймиз, ғўзалар ҳам мириқиб сув ичади.

— Ана шу гапларингни яхши кўраман-да! Баракалла, барчангиз йигитча гапириб, йигитча ишлайсиз. Лотокда сув камаймайди. Мироблар туну кун қулоқ бошида бўлишади.

Йил бошида туман ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси Сайфиддин Шералиевнинг таклифи билан мана шу бино — “Механизаторлар уйи” барпо этилди-ю, дала ишларида унум ҳам, сифат ҳам кескин оша бошлади.

Экиш мавсумида ҳам, парвариш даврида ҳам, ўрим-йиғим, йиғим-терим мавсумларида ҳам барча механизаторлар ушбу дам олиш уйида тунаб, эртанги ишлар режасини пишитади, техникалари қаровини, енгил таъмирлаш ишларини амалга оширади. Биргалашиб телевизор кўришади. Юртбошимизнинг вилоятга ташрифи ва жойларда меҳнаткашлар билан учрашув ҳамда суҳбатлари акс этган видеотасмани эса деярли ҳар куни кўришади.

— Мен ана шу видеотасмани ҳар гал кўрганимда, Президентимизнинг суҳбатидан ўзим учун янгилик, яна бир қўшимча вазифа кашф этиб, ғайратланиб кетаман, — дейди илғор механизатор Фарҳоджон Усмонов. — Бошқа ҳамкасбларим ҳам шундай. Шунинг учун ҳар биримиз кунига 5,5-6 гектар майдондаги ғўза қатор ораларига ишлов бераётирмиз. Масалан, бугун мен ўзим 6 гектар, Тоир Яҳёев, Абдумурод Иняминов, Умид Нурмуҳаммедов, Муҳаммад Маъмуров ва Ғофиржон Ҳайдаровларнинг ҳар бири 6,5-7 гектардан ошиқ ерга ишлов бердик.



Дам олиш уйи салқин, хушҳаво. У юмшоқ каравотлар, мебеллар билан жиҳозланган. Атрофи дарахтлар ва токлар билан ўралгани, ҳовли саҳни гулзорга айлантирилгани, сал нарироқда эса серҳосил помидор-бодринглар яшнаб тургани кўнгилларни янада қувонтиради. Бу ерда ҳар куни эрталаб нонушта, кечқурун иссиқ овқат берилади.

— Отряд усулида ишлаб, тушликни фермер хўжалиги ҳисобидан дала шийпони ё пайкал бошида тановул қиламиз, — дейди механизатор Тоир Яҳёев. — Ҳар икки-уч кунда туман тиббиёт бирлашмасининг тажрибали шифокор ва ҳамширалари келиб, саломатлигимизни текшириб туришади. Хуллас, “Механизаторлар уйи”да ошхона, ювиниш хонаси, спорт майдончаси ва бошқа маданий-маиший қулайликлар мавжуд.

— Фақат механизаторларнинг эмас, балки сувчиларнинг ҳам дам олиш уйи бу, — дейди Эшмурод Файзиев. — Фақат сувчиларимиз бу ерда кундузлари дам олишиб, кечқурунлари суғориш ишларига кетишади. Суғориш ишлари бошланганидан буён каравотлар сонини икки баравар кўпайтириб қўйганимиз шундан. Бундан ташқари, “Фермерлар уйи” ҳам ташкил этганмиз. Унда фермер хўжалиги раҳбарлари ва иш юритувчилари йиғилиб, долзарб вазифаларни ҳал этишади. Дала ишларини ташкил этишнинг тиғиз пайтларида тунаб қолишади. Бу уйда ҳам яхши дам олиш учун шарт-шароитлар яратиб қўйганмиз.

Шунинг учун чўлқуварлар ҳар йили пахтачиликда ҳам, ғаллачиликда ҳам белгиланган шартнома режаларини ошиғи билан уддалаб, катта даромад олишади. 10 та фермер хўжалигида ўтган йили 100 миллион сўмдан, 8 та фермер хўжалигида 60-70 миллион сўмдан ошириб соф фойда олинди. Ғаллакорлар эса жорий ғалла ўрим-йиғимини муваффақиятли якунлаб, эл хирмонига шартномадаги 3,8 минг тонна ўрнига 4,6 минг тонна сифатли дон етказиб бердилар. Айни пайтда 1800 гектар майдонда ғўза парваришлаб, белгиланган 5,2 минг тонна ўрнига 5,6 минг тонна “оқ олтин” етиштириш аҳди билан парвариш ишларини кучайтиришяпти.

“Яхши дам — меҳнатга ҳамдам”, дейишади. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан барча сув истеъмолчилари уюшмаларида биттадан “Механизаторлар уйи” ва биттадан “Фермерлар уйи” ташкил этилган. Улар фермер, механизатор ва сувчиларнинг меҳнат самарадорлигини ошириш ва мароқли дам олишларида катта аҳамият касб этаётир.

**Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Сирдарё Вилояти

**Қарийб 89 минг гектардан ортиқ майдонда ғалла парваришлаган Сирдарё вилояти ғаллакорлари давлат омборларига шартномадаги 179 минг ўрнига 207 минг тоннадан ошиқ сара дон армуғон этишди. Вилоят бўйича ўртача ҳосилдорлик 50 центнердан ошди. Бунинг асосий омили яратилган шароитдан унумли фойдаланган ғаллакорларнинг омилкорлиги, серҳосил, истиқболли навлар танлаб экилганлиги, илм-фан янгиликлари, хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибалари амалиётга жорий этилаётганидир.**

# ОМИЛКОР ДЕҲҚОННИНГ ҲОСИЛИДА БАРАКА БЎЛАДИ

### СУСПЕНЗИЯ САМАРАСИ

— Ғалла майсаларини суспензия билан озиқлантириш тадбирини кенг қўллаётганимиз сабабли кейинги икки-уч йилда ҳосилдорлик 20 центнерга ошди, — дейди Оқолтин туманидаги “Анвар” фермер хўжалигининг раҳбари, “Меҳнат шуҳрати” ва “Фидокорона хизматлари учун” орденлари соҳиби Анвар Эргашев. — Ғалла баргидан озиқлантирилганда озуқани тез ва тўла ўзлаштиради, баргдан сепилган суспензия бошоқлар кўп ва тўқ бўлишини таъминлайди. Икки-уч йилдан бери вегетация даврида суспензиядан самарали фойдаланиш натижасида шўрхок ҳудуд шароитида ҳосилдорликни 50 центнерга олиб чиқдик. Бу йил эса гектаридан 55 центнердан дон ўриб-йиғиб олдик.



*“Тинибек бобо” фермер хўжалиги раҳбари Мади Тинибеков ўғли Олимжон билан.*

### АЛМАШЛАБ ЭККАН АДАШМАЙДИ

Илғор тажрибаларни қўллаб, алмашлаб экиш ҳисобига тупроқ унумдорлигини оширишга эътибор қаратилаётгани миришкор деҳқонлар ютуқларига ютуқ қўшаётир. Сирдарё туманидаги Мади Тинибеков бош бўлган “Тинибек бобо” фермер хўжалиги аъзолари “буғдой-мош-пахта” алмашлаб экиш тажрибасини қўллаётгани сабабли ушбу жамоада экин майдонлари шўрхоклиги бартараф этилди, ғалла, пахта ҳосилдорлиги кўзда тутилганидан ҳам кескин ўсди. Кўп йиллардан буён буғдойнинг “чиллаки” навини экиб келаётган фермер бу йил 17 гектар ғалла майдонининг гектаридан 75 центнердан сара дон ўриб-йиғиб олди ва баъзиларнинг “Мирзачўл шароитида “чиллаки” навли буғдойдан 40 центнердан ошириб ҳосил олиб бўлмайди” деган фикрларини чиппакка чиқарди.

— Ғалла йиғиштириб олинган майдонларга иккинчи экин ўрнида экилган мош ер унумдорлигини ошириб, тупроқда гумус миқдорини кўпайтиради, — дейди “Тинибек бобо” фермер хўжалиги раҳбари Мади Тинибеков. — Эътиборлиси, мош экилган майдонларда бегона ўт илдизи, уруғи батамом йўқолади. Мошнинг ижобий хислати яна шундаки, ёнида бошқа экин — бегона ўтни қисиб, унинг умуман ривожланишига имкон бермайди. Бундай алмашлаб экиш тажрибаси қўлланган майдонларимизда пахта ҳосилдорлиги ҳам жуда юқори — 50 центнерга тўғри келяпти. Шу кеча-кундузда ғалладан бўшаган майдонларга мош экиб, уни тўла ундириб олдик. Ғаллачиликдаги ютуқларимиз, ернинг мелиоратив ҳолати янада яхшиланганлиги, ғўза парваришининг омилкорлик билан давом эттирилаётгани бу йил ҳар гектар ҳисобига 50 центнердан пахта етиштириш мумкинлигини билдиради.

### «ШАРБАТ» — ШЎРНИ ЧЕКИНТИРАДИ

— Ғалла ва пахтадан мўл ҳосил олишда маҳаллий ўғитдан унумли фойдаланишнинг самараси жуда юқори, — дейди Ховос туманидаги “Аҳмад Хўжаев” фермер хўжалиги раҳбари Равшан Хўжаев. — Вегетация даврида ғалла пайкалларининг гектарига 10-12 тоннадан гўнгни “шарбат” қилиб оқизганлигимиз натижасида шўрхок ҳудуд шароитида 90 гектар ғалла майдонининг гектаридан 50 центнердан дон хирмони тикладик. Маҳаллий ўғит — “шарбат” шўрни чекинтириши баробарида бошоқлар кўп ва сердонлигини таъминлади. Вегетация даврида уч марта ўтказилган ўтоқ, биринчидан, бегона ўт ғалла озуқасига шерик бўлишини олдини олди, иккинчидан, ўт бўлмаган майдонларда ҳосилдорлик 8-10 центнерга ошди, учинчидан, ўрим-йиғим даврида ғалла тўкилиб, нобуд бўлишига бутунлай барҳам берилди.

Ғаллачиликда қўлга киритилган улкан ютуқлар фермер хўжаликлари раҳбарлари, сувчи ва механизаторларни ғўза парваришида янада ғайрат-шижоат билан ишлашга, пайкалларда мўл ҳосил тўплашда бой тажрибалардан омилкорона фойдаланишга даъват этаётир.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**
*Р.ГАЛИЕВ олган сурат.*

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси томонидан “Экологик назорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишлаб тадбир ўтказилди.**

# ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАДА

Унда сиёсий партиялар фракциялари, Ўзбекистон Экоҳаракати депутатлари, вазирлик ва идоралар мутахассис ва экспертлари, мамлакатимизнинг етакчи илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари олим-мутахассислари, атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга ихтисослашган нодавлат-нотижорат ташкилотлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Эътироф этиш жоизки, ушбу Қонуннинг амалга киритилиши давлат экология назорати самарадорлигини оширишга, шунингдек, идоравий ва саноат экологик назоратининг хўжалик фаолияти объектларининг экологик хавфлилик даражасини ҳисобга олувчи барқарор тизимини йўлга қўйишда экологик назоратни амалга ошириш тизимини такомиллаштиришга, назорат фаолиятини мувофиқлаштириш механизмини барпо этишга, экологик назоратни таъминлаш соҳасида давлат ҳокимияти органларининг барча бошқарув бўғинлари ҳамда махсус ваколатга эга давлат ва жамоат бошқаруви органларининг ваколатларини белгилашга, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳамда мамлакат фуқароларининг экологик назорат бўйича ҳуқуқларини мустаҳкамлашга, идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоат экологик назорати хизматларининг ваколатлари чегараларининг экологик назорат бўйича қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликни аниқ белгилашга, ННТ ва фуқаролик жамияти институтларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш тизимига янада кенг жалб этишга хизмат қилади.

**Миркарим МИРСОВУРОВ**

# ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ — ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ

**Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда оммавий ахборот воситалари фаолиятининг самарадорлиги фуқаролик жамияти шаклланишининг асосий омили мавзуида давра суҳбати ўтказилди.**

Ушбу тадбир Президентимизнинг 2013 йил 27 июндаги Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, ахборот соҳасини демократлаштириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар мазмун-моҳиятини кенг тушунтириш мақсадида ташкил этилди.

Унда бугунги кунда оммавий ахборот воситалари фуқароларнинг ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга муносабатини эркин ифода этадиган минбарга айланаётганлиги, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакат сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги иштирокини кенгайтиришга хизмат қилаётганлиги ҳақида фикрлар билдирилди. Айнан оммавий ахборот воситалари тарғибот-ташвиқот ва тушунтириш ишларини амалга оширишда, жойларда мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш ва ёритиш орқали уларни бартараф этишга эришиш борасида катта имкониятга эгалиги ва улардан янада самарали фойдаланиш зарурлигига тадбир иштирокчилари алоҳида эътибор қаратишди.

Давра суҳбати якунида тадбир иштирокчилари томонидан оммавий ахборот воситалари ўз фаолиятини амалга оширишда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устунлигига қатъий риоя қилиши, оммавий ахборот воситалари томонидан олиб бориладиган жамоатчилик назоратининг ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳалари ва соҳаларида амалга оширилиши бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Аҳмаджон РИХСИБОЕВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Қашқадарё Вилояти

# ХИРМОН КАБИ ЮКСАЛДИ КЎНГИЛ

***Яккабоғ туманидаги “Сафар ўғли Боқи” фермер хўжалиги даласида бўлганимизда барчанинг кайфияти баланд эди. Ҳосил байрами ҳақиқий шодиёнага айланиб кетибди.***

— Нега байрам қилмайлик, — дейди фермер Деҳқонмурод Сафаров. — Ҳосилимиз мўл, даромадимиз юксак бўлмоқда. 22 гектар майдондаги суғориладиган ерлардан 85 центнердан ҳосил олдик. Давлатга 150 тоннага яқин сара дон топширдик. Лалми ерларимизда ҳам ҳосил чўғи кутилганидан зиёда бўлди. 60 гектар майдондаги лалми буғдой кўзда тутилган 12 центнер ўрнига 24 центнердан ҳосил берди. Буларнинг барчаси Президентимиз томонидан олиб борилаётган оқилона иқтисодий ислоҳотлар самараси, ерга, мулкка бўлган эгалик ҳиссининг мустаҳкамланаётгани натижасидир.

Фермер хўжалигида ўтган йилларда ғалла ҳосилдорлиги 10-12 центнерга ошди. Даромад эвазига фермер хўжалиги моддий-техника базаси ўнга яқин замонавий техника билан бойиди. Ернинг ҳолати ҳам тубдан яхшиланиб, агротехника тадбирларини амалга оширишда изчиллик таъминланди.

Бу йил яккабоғлик деҳқонлар 8 минг 200 гектар суғориладиган, 4 минг гектар лалми майдонлардан мўл ҳосил олдилар. 65 минг тоннага яқин дон етиштириб, шунинг 31 минг тоннаси давлатга сотилди. Суғориладиган майдонлардан 68,1 центнердан, лалми ерлардан 19 центнердан хирмон кўтарилди. Тумандаги “Истиқлол уфқлари”, “Холиқулов Сирожиддин”, “Ҳосилот бобо”, “Жовлиев Дилмурод Абдишукурович”, “Маматов Шоди Хидирович”, “Яккабоғ дурдонаси”, “Жумат тепа чашмаси” сингари юздан ортиқ фермер хўжалигида 70-75, ҳатто 80 центнерлик марра эгалланди.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Наманган Вилояти

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

**Бугун тадбиркору ишбилармонларга яратилган шароитни кўриб, беихтиёр тилингизу дилингизда бир ибора айланади: иш билганга минг танга. Айниқса, банклар томонидан тадбиркорларга кўрсатилаётган молиявий мададни таҳлил этсангиз, бу ибора бежизга айтилмаётганига яна бир бор амин бўласиз.**

# ИШ БИЛГАНГА КРЕДИТ

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Агробанкнинг Наманган вилояти бошқармаси шаҳар ва туман филиаллари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, шунингдек, фермер хўжаликларини янада тараққий эттиришга қарийб 33 млрд. сўмга яқин кредит маблағлари йўналтирилди. Бунинг ҳисобига Обод турмуш йилида ҳам тармоқлар ривожланиб, кўплаб янги иш ўринлари барпо қилинаётир.

Тараққиёт шиддати жадал бўлган бугунги замонда ҳар бир ишни замонавий технологиясиз тасаввур этиб бўлмайди. Оддий мисол сифатида тикувчиликни олиб кўрайлик. Бугун бир игнаю бир ғалтак ип билан тадбиркорлигу ҳунармандликни қўяверинг, оиланинг ҳам эҳтиёжини қондириб бўлмайди. Буни яхши англаган ишбилармонлар замонавий ускуналар ёрдамида ишлаб чиқаришни ривожлантирмоқдалар.

— Тўқув дастгоҳлари сотиб олиб, трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва янги иш ўринлари ташкил этиш мақсадида банкнинг Чуст филиалига бизнес-лойиҳамизни тақдим қилдик, — дейди Чуст шаҳридаги “Муҳаббатжон Сатторова” хусусий фирмаси раҳбари Баҳром Сатторов. — Банк жамоасига лойиҳа маъқул келди. Чуст филиалидан бизга 60 млн. сўм кредит ажратилди. Бунинг ҳисобига 10 нафар киши иш ўрнига эга бўлди. Ҳозирги кунда корхонада кўйлак, шим ишлаб чиқарилмоқда. Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириб, қўшимча иш ўринларини кўпайтирмоқчимиз.

Шунингдек, банкнинг Чортоқ филиалидан “Namangan Invest Group” фермер хўжалигига паррандачиликни ривожлантириш мақсадида 200 млн. сўм, Уйчи филиалидан “Осиё гиёҳи” МЧЖга сочиқ ишлаб чиқариши учун 230 млн. сўм кредитлар ажратилди. Кредитлар ҳисобига қўшимча иш ўринлари яратилди. Банкнинг сармоясидан баҳраманд бўлаётганлардан яна кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин.

Мамлакатимизда ички истеъмол бозорини озиқ-овқат, сархил мева сабзавот ва енгил саноат маҳсулотлари билан тўлароқ таъминлаш мақсадида банк томонидан ажратилаётган сармояларнинг салмоғи ҳам ошмоқда.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2009 йил 28 январдаги “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари бугунги кунда амалий ижросини топмоқда.

Ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш мақсадида жорий йилнинг ўтган даврида банкнинг шаҳар ва туман филиаллари томонидан 5 млрд. 271 млн. сўмдан ортиқ, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш учун қарийб 3 млрд. 745 млн. сўм кредит маблағлари йўналтирилди.

Шу билан бирга, банк томонидан деҳқон ва фермер хўжаликларининг чорвачилик, балиқчилик, паррандачилик, асаларичилик каби истиқболли тармоқларини молиялаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, 2013 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, молия муассасаси томонидан чорвачиликка 827 млн. сўм, паррандачиликка 220 млн. сўм, асаларичилик ва балиқчиликка қарийб 260 млн. сўм кредит маблағлари ажратилгани ҳисобига вилоятда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш салмоғи ошмоқда.

— Молингиз зотли бўлмаса, отингиз ҳам чиқмайди, бирон натижага ҳам эриша олмайсиз, — дейди Наманган туманидаги “Ғофуржон ота” фермер хўжалиги раҳбари Обид Эргашев. — Шу боис, моллар наслини яхшилаш устида кўп ўйладим. Мақсадим зотли молларни ўзимизнинг шароитга мослаштириш, кўпайтириш эди. Бунинг учун эса катта маблағ ва меҳнат керак. Меҳнатни-ку эплаш мумкин. Аммо сармояни қандай топса бўлади? Мана шундай ўйда юрганимда банк мадади қўл келди. Ҳисоб-китобни, бизнес режани кўриб чиқишган банкнинг Наманган филиали жамоаси 200 млн. сўм ажратадиган бўлишди. Унга 80 бош наслли қорамол олиб келиб, парваришини бошлаб юбордик. 10 киши ишли бўлди. Ишимизга барака инди.

Бундан ташқари, Наманган вилоятида кам қувватли ва ночор корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, яъни рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар тайёрлаш мақсадида банк томонидан 3 млрд. сўмдан зиёд кредитлар йўналтирилди. Натижада корхоналарнинг бир маромда фаолият кўрсатиши, рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариши яхшиланиб, нафақат вилоят иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатмоқда, балки ҳудудда кўплаб янги иш ўринлари яратилишига, аҳолининг фаровон ҳаёт кечиришига туртки бўлаётир.

Зеро, Обод турмуш йилида молия муассасаси томонидан тадбиркору фермерларга кўрсатилаётган хизматлар, йўналтирилаётган сармоялар уларнинг фаолиятини кенгайтиришга, пировардида эса мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарорлашувига ва аграр соҳанинг янада тараққий этишига ҳамда юрт фаровонлигига улуш бўлиб қўшилмоқда.

**Озод ОЧИЛОВ**

# ТОМЧИДА ҚУЁШ ЖИЛВАСИ

**Халқимиз қадим-қадимдан ўз қадр-қимматини англаб яшашни, ор-номус ва ғурур учун курашни ҳаёт мазмуни билган. Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида эркин, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасини – қишлоқ ва шаҳар ўртасидаги тафовут тобора камайиб бораётганида ҳам яққол кўриш мумкин.**



### МЕВА БЕРАЁТГАН БОҒ

"...Қишлоқ аҳолисининг атиги 5 фоизи канализация ва водопровод билан, салкам 50 фоизи – ичимлик суви билан, 17 фоизи табиий газ билан таъминланганини нормал аҳвол, деб ҳисоблаш мумкин эмас... Қаранг, бугунги кунда қишлоқларимизда 240 минг оиланинг ери йўқ, 1,8 миллиондан кўпроқ ҳовли эса уй-жой қурилиши ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун кенгайтиришга жуда муҳтож бўлиб турибди... Ҳайрон қоладиган ери шундаки, қишлоқлардаги ҳар беш хонадоннинг бирида бирорта ҳам чорва мол, 37 фоизида сигир, ярмисида қўй боқилмаяпти..."

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон раҳбари сифатида иш бошлаган дастлабки даврда – 1989 йил 19 августда бўлиб ўтган йиғилишда сўзлаган нутқида келтирилган ушбу факт-рақамлар мустақиллик арафасида мамлакатимиз қишлоқларида нақадар оғир иқтисодий-ижтимоий муаммолар йиғилиб қолганини кўрсатиб турибди.

Бу масалалар ўз вақтида ҳал этилмаса, оғир сиёсий-ижтимоий оқибатларга олиб келиши мумкин эди. Шу боис ўша йиғилишдан бир кун аввал Ўзбекистон раҳбари тарихий ҳужжатни – "Қишлоқда яшовчи ҳар бир оилани томорқа билан таъминлаш, уларга якка тартибда уй-жой қуриш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш ҳақида"ги қарорни имзолади.

Юртбошимиз дастлаб нега айнан томорқага, уйда чорва боқишга эътибор қаратди? Чунки ўша вақт ва шароит нуқтаи назаридан қишлоқлардаги аҳволни ўнглаш учун бундан бошқа самаралироқ йўлнинг ўзи йўқ эди. Ўшанда қишлоқдаги ҳар бир оилага 15-25 сотихдан томорқа ажратилди. Ўша қарорнинг қишлоқ аҳолиси ҳаёти ўнгланишида нақадар катта аҳамиятга эга бўлганини англаш қийин эмас.

Мустақиллик арафасида юзага келган қийин кунларда айнан томорқа ва хонадондаги чорва-парранда қишлоқ аҳолисининг жонига ора кирди. Кўп ўтмай, бу "ташвиш" ўрнини уй-жойни таъмирлаш ё қайта қуриш, машина олиш ёки кўпайтириш каби катароқ мақсадлар эгаллади.

Ҳозир марказлашган тармоқлар орқали қишлоқ аҳолисининг 75,8 фоизи ичимлик суви, 76,2 фоизи табиий газ билан таъминланган. Кўп хонадонлар ҳунармандчилик, гулчилик, кўчат етиштириш, чорва, парранда ва асалари парваришлаш билан шуғулланмоқда, иссиқхоналар ва интенсив боғ ташкил этилмоқда.

### ОРЗУДАГИ УЙЛАР

Илгари қишлоқ уйлари, деганда пахсадан қурилган, пастқам, ич-таши шунчаки оҳаклаб қўйилган уйларни тушунардик. «Уй гуллатиш» – девору шифтларга тасвир ёки нақшлар солдириш – бадавлатлик белгиси саналарди. Уйни ётоқхона ё болалар хонаси каби қисмларга ажратиб жиҳозлаш фақат шаҳарларда мавжуд эди. Чекка қишлоқларда эса ота-она ва фарзандлар, айниқса, қишда бир хонада ухларди. Чунки битта хонадонда, одатда, битта чўян печка ё сандал бўларди.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2009-2012 йилларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш бўйича махсус дастур асосида мамлакатимизнинг 159 қишлоқ туманида 650 янги массив барпо этилди, умумий майдони 3,2 миллион квадрат метр бўлган 23,6 мингдан ортиқ якка тартибдаги уй-жой қурилди. Бу уй-жойлар билан бирга ўша ҳудудларга янги замон нафаси ҳам кириб борди. 2012 йилнинг ўзида қурилган массивларда 437 ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектлари, шу жумладан 109 савдо, 90 новвойхона, 80 гузар, 42 бозор, 33 минибанк, 47 маиший хизмат кўрсатиш пункти барпо этилгани бунинг далилидир.

Янги уй-жойлар қурилиши туфайли минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда. Ҳозир 900 дан ортиқ янги ихтисослаштирилган пудратчи қурилиш ташкилотларида 20 минг нафарга яқин қурувчи меҳнат қилмоқда. Замонавий қурилиш материаллари, конструкциялар, ёғоч пол, дераза панжаралари, том ёпиш ва бошқа материаллар ишлаб чиқарадиган ўнлаб корхоналар ташкил қилинган. Уларга қатор имтиёз ва преференциялар берилган.

Бундай кенг қамровли ишлар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози кўплаб мамлакатларнинг белини букиб қўйган, манаман деган давлатлар ҳам қатор ижтимоий дастурлардан воз кечишга мажбур бўлган, айрим минтақаларда кескин ижтимоий ва демографик муаммолар туфайли минглаб қишлоқлар ҳувиллаб қолган бир шароитда амалга оширилаётганининг ўзи кўп нарсани англатади. Бу жиҳатлар жорий йил апрелида пойтахтимизда бўлиб ўтган «Замонавий уй-жой қурилиши – қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзусидаги халқаро конференцияда хорижлик мутахассислар ва экспертлар томонидан ҳам алоҳида эътироф этилди. Ислом тараққиёт банки президенти Аҳмад Муҳаммад Али "қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ташаббуси – Ўзбекистоннинг мувозанатли иқтисодий тараққиётга эришиш мақсадларини ўзида мужассам этганининг ҳаётий исботи" эканини эътироф этган бўлса, Осиё тараққиёт банки вице-президенти Шиао Жао "бу, айниқса, қишлоқ хотин-қизлари учун замонавий қулайликлар ва шарт-шароитларни таъминлаш, қишлоқларда оилавий ҳаётнинг янги мезонларини белгилаш имконини бериши"ни таъкидлади.

Жорий йилда 353 қишлоқ массивида барча қулай шарт-шароитга эга, ўтган йилга нисбатан 17,5 фоиз кўп – 10 мингта намунавий уйлар қурилмоқда. Бу билан шунча қишлоқ оиласи замонавий ҳовли-жойга эга бўлади, 300 километрдан ортиқ ичимлик суви ва 280 километрдан зиёд электр тармоқлари тортилади, қарийб 240 километрлик автомобиль йўллари қурилади, кенг кўламли ижтимоий ва бозор инфратузилмаси яратилади. Буларнинг барчаси Ўзбекистон қишлоқларида ҳар бир инсон ҳаётдан рози яшаши учун барча шароит яратилаётганининг яна бир далилидир.

### ЎТИШ ДАВРИ ҲАНГОМАЛАРИ

Тенгқурларим – бугун ўттизни қоралаб қолган авлоднинг суяги қотган кунлар оғир ва мураккаб ўтиш даврига тўғри келди. Эсимда, 80-йиллар охирида қишлоқ боласи учун шаҳарга бориш байрам эди: музқаймоқ, газли сув, кабоб ё шоколад фақат шаҳарда бор эди-да. Бугун эса ҳар бир қишлоқда камида тўрт-беш дўкон, шинам чойхоналар ишлаб турибди. Ёки диван, кресло, музлаткич, кир ювиш машинаси, видеомагнитафон, чангютгич, биллур идиш-товоқ... Буларнинг кўпини қишлоқ аҳолиси ё кўрган, ёки кўрмаган эди. Бугун бу буюмлар қишлоқ хонадонлари учун янгилик эмас. Энди уларга ҳеч ким ортиқча эътибор ҳам бермайди. Бу – халқимизнинг турмуш даражаси, онг-тафаккури ва дунёқараши ўзгариб бораётганининг амалдаги бир кўриниши.

Қишлоқ одамлари шаҳарга бориш учун кунига бир марта қатнайдиган автобус ё юк машинасига улгуролмай сарсон бўларди. Ёзда усти очиқ ва қишда брезент тақилган юк машинасига йўловчиларга қўшиб бозорга кетаётган қўй-эчки, халталанган майизёнғоқ ҳам ортилаверарди. Эътироз билдириш қаёкда, жой топилганига шукр қилардик. Бугун эса шаҳар ва қишлоқ ўртасида қатнайдиган таксидан кўпи йўқ. Қишлоқ оилаларида ҳам шахсий машиналар кўпаймоқда. Энди ҳайдовчилар олдингидек тўнғилламайди, балки "Машинамга чиқинг, кондиционери бор, яхши қўшиқлар қўйиб бераман", деб илтимос қилади.

– Эй, ошна, у пайтлар бизнинг қишлоқда ҳам аҳвол шу эди, туман марказига бориш учун "РАФ"-да қўй-эчки билан тумшуқма-тумшуқ ўтириб кетганмиз, – дейди чимбойлик дўстим Байрамбой Пўлатов. – Яқинда қишлоғимдан қайтаётиб, уйдан туриб телефон билан такси чақирдим. Бошқалари "айтсанг, ўзимиз ҳам олиб бориб қўярдик", деб хафа бўлиб қолди.

Қишлоқлардаги тўйларни эслайлик: столдаги лимонадларни "қўриқлаш" учун махсус одамлар қўйиларди. Болалар эса пухта режа тузар, чапдастлик билан столдан олиб қочилган лимонад зум ўтмай қўлма-қўл бўлиб, девор ё дарвозага миниб ўтирган бола орқали овлоққа йўл оларди. Чунки тўй – қишлоқ болалари учун текин лимонад ичишнинг ягона имконияти эди. Кейинроқ кукунли "Юпи" пайдо бўлди: уни уч-тўрт бола танга йиғиб сотиб олар, сўнг бир банка қайнатилган сувга аралаштириб, қўлма-қўл қиларди. Бугун табиий мевалардан тайёрланган шарбатлару чойларнинг туридан кўз қамашади. Болалар бундай сувлару турли ширинликларни танлаб истеъмол қилади.

### НОИЛОЖЛАР ИНҚИРОЗИ

Қишлоқлар шароити ҳақида гап кетса, албатта, "ноилож" маркаси эсланади. Чунки олдин қишлоқда танлаш имконияти деярли йўқ эди. Бугун қишлоқларимиздаги хизмат кўрсатиш сифати шаҳарга яқинлашиб қолди.

Айтайлик, авваллари қишлоқларда битта сартарош бўлар, баъзи жойларда умуман йўқ эди. Соч олиш анжомлари, хизмат кўрсатиш сифати ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Болалар сочини устарада қиртишлатар, катта ёшлилар соч олдириш учун шаҳарга бориб-келарди.

Бугун қишлоқ сартарошида ҳам замонавий соч олиш ва қуритиш ускуналари, мижозга эътибор бор. Қолаверса, ҳар қишлоқда тўрт-беш сартарош ўртасида рақобат юзага келган. Мижозларга қўшимча қулайликлар яратилмоқда.

Илгари устига мато ташланган столча ўрнида бугун замонавий подставка, оқ-қора телевизорлар жойида – юпқа экранли замонавий телевизорлар, сал шамолга тўлқинни йўқотадиган алюмин тоғоралар ўрнини телевизорнинг ичига ўрнатилган махсус мосламалар эгаллаган. Телевизор ҳам четдан келаётгани йўқ – мамлакатимизда ишлаб чиқарилмоқда. Ҳозир "DVD" деярли ҳар хонадонда бор. Рақамли телевидение ва интернетдан фойдаланиш кўлами ҳам кенгаймоқда.

Қишлоқлардаги замонавий мактабу коллежлар, давр талабига мос қишлоқ врачлик пунктлари бу ўзгаришларнинг муҳим қисмидир. Зеро, илгари қишлоқ одамлари сифатли таълим ва тиббий хизмат фақат шаҳарда бўлади, деб қарарди.

– Мустақиллик шарофати билан ўтган йили туман марказидан йигирма беш километр олисдаги Қизилбел қишлоғимизда замонавий мактаб қад ростлади, – дейди қўшработлик таълим фахрийси Аннoқул Қўшбоқов. – Илгари қишда синфхоналар жуда совуқ бўлгани учун мактабни вақтинча ёпардик. Оддий кимёвий реакцияни ўқувчиларга кўрсатиб бериш ҳам катта муаммо эди. Бор имкониятдан фойдаланишга мажбур эдик. Энди эса мактабимиз замонавий бинога, етарлича ўқув-лаборатория ускуналарига эга.

Ҳа, энди қишлоқ одамлари ҳар бир нарсадан ноиложликдан эмас, танлаб фойдаланиш имкониятига эга.

### ИСЛОҲОТ – ИНСОН УЧУН

Ҳаёт қизиқ: дам олиш учун шаҳарликлар табиат қўйнига, қишлоқликлар шаҳарга йўл олади. Эътибор берсангиз, шаҳардаги концертлар, цирк томошаси, футбол ўйини ё паркларга қишлоқ аҳолиси кўп келади. Машҳур санъаткорлар қишлоққа келса-ку, нақ байрамга айланиб кетади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги "2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан қишлоқ аҳолиси учун бу борада ҳам қатор қулайликлар яратилмоқда. Қарорга кўра мамлакатимизда давр талабига мос қарийб 900 маданият ва аҳоли дам олиш маркази ташкил этилади. Қишлоқлардаги ана шундай марказларда замонавий санъат студиялари, тўгараклар, бадиий ҳаваскорлик жамоалари, хорижий тилларни ўрганиш курслари иш бошлайди. Таниқли санъаткорлар, арбоблар, спортчилар ва мутахассислар билан ижодий учрашув ва давра суҳбатлари ўтказиш кўлами кенгаяди. Турли ижодий танлов ва спорт мусобақалари янада кўпроқ ва мунтазамроқ ташкил этилади. Бу билан қанчадан-қанча иш ўринлари яратилади, аҳоли, айниқса, ёшлар бўш вақтини янада самарали ўтказиш имконига эга бўлади.

Бу қишлоқ аҳолисининг онгу тафаккурини юксалтиришга, ижтимоий фаоллигини оширишга, чекка ҳудудлардаги ёшларнинг истеъдодини рўёбга чиқаришга хизмат қилади. Бу Ўзбекистонда ислоҳот ислоҳот учун эмас, инсон манфаатлари учун йўналтирилганининг яна бир ҳаётий исботидир.

...Қуёш томчида жилва қилади. Мустақиллик йилларининг ўтган тарихан қисқа даврида шунча ютуқларга эришилганининг ўзи бу кунлар янада зиёда бўлишига умид ва ишонч бағишлайди. Муҳими, эл-юртимиз тинч, осмонимиз мусаффолиги эзгу мақсадлар сари интилишга йўл очади. Зотан, ўз қадр-қимматини ва таянчини билган халқ карвонининг йўли ойдин, манзили ёруғ бўлаверади.

**Умид ЁҚУБОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

ЭЪЛОН

«KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖНИНГ ҲУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**

**I. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Сирдарё вилояти Сардоба тумани ҳокимининг 2013 йил 23 майдаги 01/01-301-сонли алоқа хатига, 2013 йил 22 майдаги 634-сонли фармойишига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қуйидаги ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи такроран қўйилмоқда:**

**1.** Савдо дўконлари қуриш учун, Пахтаобод шаҳарчаси Дўстлик кўчаси ҳудудидан 8 дона умумий сатҳи 192,0 кв.м. (ҳар бир савдо дўкони ер майдони 24,0 кв.м.) бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ҳуқуқнинг минимал қиймати - 6 439 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Сардоба тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 2014 йил май ойигача амалга оширилиши лозим.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунларида қабул қилинади ва 2013 йил 2 август куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ДАТ (ОАЖ) "Асакабанк" Сирдарё вилояти филиалидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт. Ҳ/р: 20208000904920609006; МФО: 00373; СТИР: 207122519.

Талабгорларнинг конвертлари Сардоба тумани ҳокимлиги биносида 2013 йил 5 август куни соат 11:00 да очилади, 2013 йил 5 август куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2013 йил 5 августдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2013 йил 21 август куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2013 йил 20 август куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Сардоба тумани ҳокимлиги биносида 2013 йил 21 август куни соат 11:00 да очилади. 2013 йил 21 август куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

**Талабгорлар буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:**

*- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;*

*- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;*

*- танлов ташкилотчисига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;*

*- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.*

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

**Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили:** Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар 3-мавзе "Бизнес маркази" биноси 58-хона. Мурожаат учун телефон: (8-367) 226-38-91, www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz. **Лицензия:** RR-0001.

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**

**I. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Фарғона вилояти Данғара тумани ҳокимининг 2013 йил 3 июлдаги 238-сонли алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:**

**1.** Миллий ҳунармандчилик ва ёғоч ўймакорлиги устахонаси қуриш учун Данғара тумани Чинобод ҚФЙ Чинобод қишлоғи 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона қурилиш ости ер майдони 750 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 273 825 сўм.

**2.** Автомобилларни таъмирлаш устахонаси қуриш учун Данғара тумани Чинобод ҚФЙ Чинобод қишлоғи 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона қурилиш ости ер майдони 400 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 146 040 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Данғара тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2013 йил 22 август куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Данғара тумани ҳокимлиги биносида 2013 йил 23 август куни соат 13:00 да очилади, 2013 йил 23 август куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

**II. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Фарғона вилояти Бешариқ тумани ҳокимининг 2013 йил 12 июлдаги 207/02-01-сонли алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи такрорий танловга қўйилмоқда:**

**1.** №1 Савдо ва умумий овқатланиш шохобчаси қуриш учун Бешариқ тумани Бешариқ шаҳар Янги ҳаёт МФЙ Бешариқ кўчаси 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона қурилиш ости ер майдони 128,4 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 45 873 сўм.

**2.** №2 Савдо дўкони қуриш учун Бешариқ тумани Бешариқ шаҳар Янги ҳаёт МФЙ Бешариқ кўчаси 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона қурилиш ости ер майдони 40,80 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 14 577 сўм.

**3.** №3 Суратхона қуриш учун Бешариқ тумани Бешариқ шаҳар Янги ҳаёт МФЙ Бешариқ кўчаси 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона қурилиш ости ер майдони 22,4 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 8 002 сўм.

**4.** №4 Савдо ва овқатланиш шохобчаси қуриш учун Бешариқ тумани Бешариқ шаҳар Янги ҳаёт МФЙ Бешариқ кўчаси, 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона қурилиш ости ер майдони 160,56 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 57 363 сўм.

**5.** №5 Сатарошхона қуриш учун Бешариқ тумани Бешариқ шаҳар Янги ҳаёт МФЙ Бешариқ кўчаси 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона қурилиш ости ер майдони 35,84 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 12 804 сўм.

**6.** №7 Савдо дўкони қуриш учун Бешариқ тумани Бешариқ шаҳар Янги ҳаёт МФЙ Бешариқ кўчаси 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона қурилиш ости ер майдони 48,30 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 17 256 сўм.

**7.** Маиший хизмат бинолари қуриш учун Бешариқ тумани Бешариқ шаҳар Янги ҳаёт МФЙ Бешариқ кўчаси 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона қурилиш ости ер майдони 160 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 39 936 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Бешариқ тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2013 йил 21 август куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Бешариқ тумани ҳокимлиги биносида 2013 йил 22 август куни соат 11:00 да очилади, 2013 йил 22 август куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "Халқ банки" Фарғона вилояти филиали амалиёт бўлимидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт. Ҳ/р: 20208000004920609011; МФО 00497; СТИР: 207122519.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

**Талабгорлар буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:**

*- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;*

*- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;*

*- танлов ташкилотчисига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;*

*- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.*

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

**Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили:** Фарғона вилояти Фарғона шаҳар Б.Марғиноний кўчаси 35-уй, "Биржа маркази" биноси. Тел/факс: (8-373) 224-68-69, rieltsavdo@inbox.uz., www.1kms.uz. **Лицензия** № RR 0001.

Сурхондарё вилояти

▼ РЕКЛАМА ЎРНИДА

# Замонавий хизматлардан — мижозлар мамнун

XALQ BANKI

**Истиқлол йилларида мамлакатимизда бошқа соҳалар қаторида банк тизимини такомиллаштириш борасида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида молия муассасалари томонидан кўрсатилаётган хизматлар кўлами кенгайиб, аҳолининг уларга бўлган ишончи тобора мустаҳкамланиб бораётир. Бунга Давлат-тижорат Халқ банкининг Сурхондарё вилояти филиалида кузатилаётган ижобий ўзгаришлар яққол мисол бўла олади. Президентимизнинг 2008 йил 20 февралдаги "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида белгиланган вазифалар дастуриламал бўлмоқда.**

Айни пайтда мазкур банкда миллий ва хорижий валютада 23 та омонат тури мавжуд бўлиб, жорий йилнинг июнь ойи ҳолатига кўра, аҳоли омонатлари қолдиғи 13 миллиард 774 миллион сўмни ташкил этди. Бу каби хизматларни сифатли ва тезкор кўрсатилишида ҳудуддаги 15 та филиал, 6 та минибанк, 109 та жамғарма касса, 33 та махсус касса, 15 та халқаро пул ўтказмалари бўлимида яратилган шарт-шароитлар қўл келаётир.

Маълумки, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга бўлган эътибор жуда юқори. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган кўплаб ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Шу боис, филиал жамоаси ишбилармонларга кредитлар ажратиш, уларнинг ишлаб чиқаришга бўлган қизиқиши ва интилишини қўллаб-қувватлаш, шу йўл билан аҳоли бандлигини, турмуш фаровонлигини яхшилаш борасида муайян чора-тадбирлар кўрмоқда. Натижада шу йилнинг ўтган беш ойида соҳа вакилларига 20 миллиард 216,9 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. Шундан 2 миллиард 902,5 миллион сўми аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган бўлса, 7 миллиард 260,7 миллион сўми озиқ-овқат, 3 миллиард 987 миллион сўми ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ихтисослашган корхоналарга, 5 миллиард 20,9 миллион сўми хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун, 593 миллион сўми оилавий тадбиркорлар учун берилди.

— Шу билан бирга, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес ғояларини юзага чиқаришга ҳам жиддий эътибор қаратяпмиз, — дейди филиалнинг иқтисодий ва бизнесни режалаштириш бўлими бошлиғи Абдулла Абдурахимов. — Шу мақсадда ўтган вақт ичида уларга ўз бизнесларини ташкил этишлари учун 725,5 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилиб, бунинг натижасида 1593 нафар киши иш билан таъминланди.

Филиал жамоасининг доимий диққат-марказида турган устувор масалалардан яна бири — бу аграр тармоқни ривожлантиришдир. Вилоятдаги кўплаб фермер хўжаликлари мазкур молия муассасаси билан ҳамкорлик қилиб, филиал томонидан кўрсатилаётган сифатли хизматлардан фойдаланмоқда. Банк томонидан ушбу соҳага ажратилаётган маблағлар салмоғи эса тобора ортиб бормоқда. Ҳудуддаги фермер хўжаликларига 2013 йилги ғалла учун 5 миллиард 261 миллион сўм, пахта учун 15 миллиард 590,8 миллион сўм миқдорида кредит ажратилгани бунинг тасдиғидир.



**Бугунги кунда банкнинг туман ва шаҳарлардаги филиаллари томонидан жисмоний шахсларга 125879 дона пластик карточкалар очилиб, воҳадаги савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига пластик карточка орқали хизмат қилиш учун 762 та тўлов терминаллари ўрнатилган.**

Шунингдек, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш йўлида амалга оширилаётган ишлар ҳам таҳсинга сазовор. Бунда пластик карточкалар орқали кўрсатилаётган хизматлар, айниқса, қўл келмоқда. Гап шундаки, бугунги кунда банкнинг туман ва шаҳарлардаги филиаллари томонидан жисмоний шахсларга 125879 дона пластик карточкалар очилиб, воҳадаги савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига пластик карточка орқали хизмат қилиш учун 762 та тўлов терминаллари ўрнатилган.

Мижозларга янада қулайлик яратиш мақсадида банкомат ва инфокиосклар ўрнатилган. Айни пайтда ушбу инфокиосклардан аҳоли ўз ҳисобрақамидаги пул маблағларини пластик карточкаларга юклаш, коммунал, уяли алоқа ва бошқа хизматлар учун тўловларни амалга оширишда фойдаланмоқда. Қолаверса, жисмоний шахсларга мўлжалланган "Уяли пул" интерактив хизматидан фойдаланаётганлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Хўжалик юритувчи субъектлар учун эса "Internet banking" интерактив хизмат тури жорий қилингани айни муддао бўлди. Ҳозирда 92 та хўжалик юритувчи субъекти ушбу хизмат туридан самарали фойдаланмоқда.

Маълумки, мазкур молия муассасасида Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунига асосан 2005 йилдан буён фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими жорий этилган. 2013 йилнинг ўтган даврида филиалнинг ушбу тизимида 350533 нафар фуқарога пенсия ҳисобварағи очилди. Бунда Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 майдаги қарорига асосан, иш берувчилар томонидан Халқ банкига тақдим этилиши лозим бўлган ходимларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига бадаллар реестри электрон манбалар ёки интернет орқали узатилаётгани янада қулайлик яратмоқда.

Шу ўринда айтиш жоизки, жамғариб бориладиган пенсия таъминоти бир қанча афзалликларга эга. Аввало, мазкур тизимга ихтиёрий бадал киритган иштирокчи ҳисобварағидаги маблағга нисбатан Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг икки баравари миқдорида йиллик фоиз қўшилади. Қолаверса, ушбу йўналишда ютуқли тиражлар ҳам мунтазам ўтказиб турилади.

Мухтасар қилиб айтганда, бугунги кунда банклар томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг тобора яхшиланиб бораётгани замирида мазкур тизимда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар ётибди. Бу — пировардида аҳолининг нафақат банкларга бўлган ишончи ортаётганида, балки уларнинг тадбиркорлик қобилияти орқали иқтисодиётимиз равнақида яққол кўзга ташланмоқда.

**Банк матбуот хизмати**

Самарқанд вилояти



*Шундай одамлар бор*

# «Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим!»

**Ўз ҳовлисини маҳалла стадионига, уйини спорт музейига айлантирган одамни учратганмисиз? Учратмаган бўлсангиз Самарқанд шаҳрида яшовчи Мамажон Аҳмедов хонадонига бир қўниб ўтинг.**

Мамажон ака Шоҳизинда яқинидаги Обимашҳад маҳалласида отаси Аҳмад полвондан қолган кенг-мўл ҳовлида истиқомат қилади. Ёши ҳозир олтмишдан ошган. Лекин кўрган киши қирқ билан элликнинг орасида деб ўйлаши турган гап. Боиси оддий — Мамажон ака новча қотма гавдали, оқ юзли, катта ва чуқур кўзлари суҳбатдошига соддагина ишонувчанлик билан боқувчи бир одам. Унинг спортга алоқадорлиги ҳақида эшитган заҳотингиз "баскетбол билан шуғулланган бўлса керак", деб ўйлашингиз табиий. Зеро, бўйи салкам икки метр келадиган йигитнинг ундан бошқа спорт турига уйғун ҳолатда тасаввур қилиш душвор. Аммо...

— Болалигимдан оғир атлетикага қизиққан эдим, — дейди у сизни ҳайратда лол қолдириб. Ва сиз беихтиёр:

— Штангани икки ярим метр баландга ҳам кўтариш мумкинми? — дея ҳазиломуз савол беришдан ўзингизни тия олмайсиз. У бўлса кулиб қўяди. Шаҳар, вилоят, республика, жаҳон миқёсидаги мусобақаларда қатнашиб юксак натижаларга эришгани ҳақида гапириб ўтирмайди.

— Имконият даражасида шуғулланганмиз, — дейди камтарона. Узун айвонли уйининг бир неча хонасига зўрға сиққан сон-саноқсиз мукофотлар — кубоклар, медаллар, фахрий ёрлиқлар, дипломлар, эсдалик совғалари ва ҳоказолар эса сизга бу хонадон соҳибининг профессионал штангачи, спорт устаси, сўнгра моҳир мураббий, қаттиққўл ва ҳалол ҳакам, вилоят миқёсидаги каттакон бир кўнгилли спорт жамиятининг раҳбари, ниҳоят нафақат маҳаллада, балки бутун республикада спортни ривожлантиришнинг беғараз, ҳормас-толмас ташкилотчисию тарғиботчиси сифатидаги бениҳоя серқирра, серунум фаолияти хусусида узундан-узоқ ҳикоя қилади. Ушбу ўзига хос уй-музейдаги ҳар бир буюмнинг бетакрор тарихи бор. Уларни шошмасдан кўздан кечираман, десангиз бутун бир меҳнат таътилингизни Мамажон аканинг "спорт-соғломлаштириш хонадони"да ўтказишингизга тўғри келади. Ҳайтовур, унда бунинг учун етарли барча шарт-шароит муҳайё. Футбол ёки қўл тўпи ўйнаш учун мўлжалланган мини стадион, баскетбол, волейбол майдонлари, стол тенниси, гимнастика, оғир атлетика, армрестлинг ва яна бир қанча турлар билан шуғулланиш учун ғоят қулай жиҳозлар, тренажёрлар, тузуккина бассейн... Хуллас, ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, мукаммал бир спорт мажмуаси.

Шунинг учун ҳам маҳалла болаларидан ташқари анча наридан келган ўспиринлар ҳам субҳидамдан ярим оқшомга қадар бу маскандан чиқмайдилар. Ҳолбуки... Сал нарида, маҳаллага кираверишда Мамажон ака ташаббуси билан Аҳмедовлар оиласи маблағига бунёд этилган Аҳмад бобо номли спорт зали ҳам ишлаб турибди. Яқинда ана шу маскан очилганига роппа-роса йигирма йил бўлди. Унинг бунёдга келиши ҳам истиқлол шарофати эди. Шунча пайтдан буён эшиклари бир кун бўлсада ёпилган эмас. Мамажон аканинг укалари Ҳасан ва Ҳусан, уч ўғли оғир атлетика ва кураш бўйича спорт усталари, ўзи республикада хизмат кўрсатган мураббий сифатида кўпчиликка намуна кўрсатмоқдалар. Умуман бу оиланинг ҳавас қилса арзийдиган жиҳатлари кўп. Аҳмад бобо бошлаган тадбиркорлик, меҳр-мурувват, спортсеварлик, жамоат ишларига астойдил елиб-югуриш, меҳмондўстлик анъаналари изчил давом эттирилмоқда. Мамажон аканинг жаҳонгашталиги, дўстпарварлиги туфайли унинг хонадонида бирор кун ҳам меҳмон аримайди. Узоқ-яқиндан келган ошна-оғайнилар бу ерда самарқандча меҳмоннавозликдан баҳраманд бўлиб, ўзлари севган спорт тури билан шуғулланишлари мумкин.

Ҳа, айтганча, Мамажон аканинг қаламкашликка, аниқроғи, спорт журналистикасига ҳам жиддий ҳаваси бор. У ёзган хабар ва мақолалар вилоят, республика газеталари саҳифаларида мунтазам чиқиб туради.

Каломни мухтасар қиламиз. Мамажон Аҳмедовнинг инсон, ота, мураббий, раҳбар, жамоатчи сифатидаги фаолиятининг барча қирралари, хислатлари хусусида муфассал тўхталадиган бўлсак, қоғозу қалам етмас. Фикримизча, бунинг ҳожати ҳам йўқ. Юқорида тасвирланган манзара самарқандлик Мамажон Аҳмедовнинг мукаммал қиёфасини тасаввур этиш учун етарли бўлса керак. Фақат хулоса тарзида унинг икки оғиз дил сўзини келтиришни жоиз кўрдик.

— Мамлакатимизда спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантириш бобида амалга оширилаётган, йилдан-йилга миқёси янада кенгайиб бораётган тадбирлар кишини қувонтиради, чексиз ғурур бағишлайди. Чунки, бу ишларнинг пировард мақсади — фарзандларимизни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш, мамлакатимиз довруғини дунёга таратишдан иборат. Бундай улуғ ишга умрингни бағишласанг арзийди...

Мамажон Аҳмедовнинг спортга беқиёс меҳри туғилиб ўсган юртига, элу халқига бўлган муҳаббатининг ажралмас бир бўлагидир. Бу туйғуни эса ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.

**Ҳабиб ТЕМИРОВ**

*Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.*

○ Реклама ва эълонлар ○ Реклама ва эълонлар ○ Реклама ва эълонлар

*Барча қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!*

## СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ЕР РЕСУРСЛАРИ ВА ДАВЛАТ КАДАСТРИ БОШҚАРМАСИ 2013 ЙИЛГА ҚУЙИДАГИ ЗОВУРЛАРНИ ТАЪМИРЛАШ ВА ТИКЛАШ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**1. Ховос тумани Фарҳод ҚФЙ ҳудудидаги «Правый» ОД-6, ОД-7а, ОД-7б, ОД-9, ОД-10, ОД-11, ОД-20, ОД-21, ОД-21-2, ОД-23, «Левый» ОД-6а ва Ширин ҚФЙ ҳудудидаги ДР-3, ДР-5, ДР-7 зовурларини таъмирлаш ва тиклаш ишларини бажариш.**

**Бошланғич нархи** ҚҚС билан 294 150 905 сўм, ҚҚСсиз 245 125 754 сўм. **Қурилиш муддати** 120 кун.

**Қурилиш ишларини молиялаштириш:** ўз маблағлари ҳисобидан.

**Буюртмачининг манзили:** Гулистон шаҳар Гулистон кўчаси 2-уй. Тел: (8-367) 225-25-28, 225-41-64.

**Талабгор сифатида қатнашаётан корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** ҳисобрақамида танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 % миқдоридаги айланма маблағлари бўлиши ёки кўрсатиб ўтилган маблағга банк кафолатномаси бўлиши, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари, ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги бўлиши шарт.

Давлат харидлари бўйича Ҳукумат комиссиясининг 2011 йил 30 декабрдаги 4-сонли баённомасига асосан иншоотларни таъмирлаш учун минимал квотаси 35 % гача белгиланган.

Танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат таклифлари тенг баҳоланганда, кичик бизнес субъектларига аҳамият берилади.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Гулистон шаҳри М.Ахтамова кўчаси 30-уйда жойлашган Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги телефон бўйича мурожаат қилишлари мумкин: (8-367) 227-64-42 (ф).

Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — офёрталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар (офёрталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 15 кундан кейин ўтказилади.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИ томонидан (реестр № 002481-01, 14.10.2008 й.) рўйхатдан ўтган "MUSHTARIY-FAYZLI RIVOJ" ХКнинг (ИНН 300961940) ташкилий-ҳуқуқий шакли МЧЖга ўзгарганлигини маълум қилади. Даъволар 2 ой ичида 313-40-05 тел. рақами орқали қабул қилинади.

Утерянный план квартиры, расположенной по адресу: г. Ташкент Сергелийский р-н ул. Узгариш д. 1 кв-ра 95, выданный Сергелийским БТИ на имя Мирзакулова Исажана Мусажоновича, считать недействительным.

Тошкент ш. Мирobod т. ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган (СТИР 302573060) "SADIG-MAMED" Оилавий Корхонаси 2013 йил 11 июлдаги 1-сон баённомасига асосан тугатилаётганини маълум қилади. Эътирозлар 1 ой давомида қабул қилинади.

Тошкент ш. Миробод т. ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган (СТИР 302117413) "NIKRA BULDING" МЧЖ 2013 йил 16 июлдаги 1-сон баённомасига асосан тугатилаётганини маълум қилади. Эътирозлар 2 ой давомида қабул қилинади.

Тошкент ш. Миробод т. ТСРЎИ томонидан (реестр № 0304462, 06.03.2013 й.) Якка тартибдаги тадбиркор Gizatov Rinat Salimdjonovich номига берилган Гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. Даъволар 933-69-96 тел. орқали қабул қилинади.

"DAK-S" МЧЖ Устав фонди 38 282 000 сўмдан 3 200 000 сўмга камайтирилганини маълум қилади. Жамиятга тегишли Миробод т. ТСРЎИ томонидан (реестр № 000117-03, 07.10.2011 й.) берилган Гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. Даъволар 697-99-38 тел. рақами орқали қабул қилинади.

ООО "TULPOR" (ИНН 200902786) зарегистрированное Решением Хокима Учтепинского р-на (31.05.2001 г., № 587) сообщает об уменьшение уставного фонда зарегистрированного с 69 058 171 сум по 40 402 587 сум 68 тийин.

Утерянный аттестат о среднем образование УЗ А № 017510 от 19.06.1996 г., выданный школой-лицеем № 300 Сергелийского р-на г. Ташкента на имя Шекербаевой Злихи Тулегеновны, считать недействительным.

Утерянный план дома, расположенного по адресу: г. Ташкент Бектемирский р-н ул. Чексарай (бывщ. Охангарон шох) д. 56 (быв 527), выданные БТИ Бектемирского р-на на имя Тахировой Хамида Исамовны, считать недействительным.

Утерянную чековую книжку по банковским реквизитам Хамзинского р-на за № 0713380-0713400 (Ипотека Банк Хамзинского филиала г. Ташкента на имя Сапарбаева Нуриддина) ООО "INTEGRAL KOMMUNAL SERVIS", считать недействительной.

ООО "QAHRAMON-AVTOTRANS" (ИНН 302580235), расположенное по адресу: г. Ташкент 1 пер.улица Зангори д. 12, зарегистрированное ИРСП Хамзинского р-на (16.04.2013 г., реестр № 004431-07, № 003280), ликвидируется. С момента гос. регистрации финансово-хозяйственную деятельность не проводила. Решение о добровольной ликвидации постановление № 3 от 12.07.2013 г. Претензии принимаются в течение 2-х месяцев. Тел.: 296-78-96.

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати" ДУК томонидан Мирзаев Носыр Мансурович номига Чилонзор тумани 2-мавзе 2-уй 14-хонадон учун 20.12.2004 й.да 10030202050040 сонли ер кадастри ва Чилонзор 2-мавзе 2-уй 3-хонадон учун 07.12.2004 й.да берилган 10030202050043 сонли ер кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянный диплом № 076089, выданный Ташкентским Государственным Техническим Университетом на имя Ким Василий Рудольфович (год окончание-1995 г.), считать недействительным.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАЛАРИ

- Тракторлар, турли серияда 60 дан – 600 от кучигача.
- Комбайнлар
- Пресс-подборщиклар
- Омочлар
- Пуркагичлар
- Косилкалар
- Бороналар
- Культиваторлар
- Минерал ўғит сочадиган мосламалар



Ўзбекистон Республикаси бўйича сервис хизмати кўрсатилади. Кафолат муддати 1 йил.

JOHN DEERE

Тел: (998 71) 241-02-29, (998 90) 326-81-11
Сайт: www.agtech-agri.uz e-mail: info@agtec.eu
Хизматлар лицензияланган.

## "ЎЗМЕЛИОМАШЛИЗИНГ" Давлат лизинг компанияси

Лизингга берилган техникаларни масофадан кузатиш ва мониторинг қилиш мақсадида "GPS тракер" қурилмасини ўрнатиш учун очиқ танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади.

**Танлов савдолари очиқ турда бўлиб, техника учун "GPS тракер" қурилмасини ўрнатиш тажрибасига эга бўлган хорижий фирмалар ва ташкилотлар ҳамда маҳаллий товар етказиб берувчилар қатнашиши мумкин.**

Таклифлар 29 июлгача қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри Мустақиллик майдони 5-уй. Тел. 239-46-24; 239-43-65.

**Буюртмачи:** "Ўзмелиомашлизинг" ДЛК.

АГРОМАШ

## ЧЕТ ЭЛ КОРХОНАСИ МЧЖ «АГРОМАШХОЛДИНГ-ТАШКЕНТ»

ТАКЛИФ ЭТАДИ:



ВТ-150, ВТ-100 ВА ДТ-175 РУСУМЛИ ҲАЙДОВ ТРАКТОРЛАРИ УЧУН ЗАНЖИРЛАР ВА БОШҚА ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР.

Тошкент ш., Ниёзбек Йўли кўчаси, 1. Тел.: + 998 71 120 96 00/10;
Факс: +998 71 234 89 88; E-mail: info@chetra-tashkent.ru
Сайт: www.chetra-tashkent.ru

**Бош муҳаррир:** Чори ЛАТИПОВ

**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Содиқжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

**ТЕЛЕФОНЛАР:** **Қабулхона** — 236-26-50, **Котибият** — 233-95-17, **Аграр масалалари бўлими** — 233-76-78, **Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими** — 236-26-49, **Маънавият ва маърифат бўлими** — 236-26-35, **Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими** — 233-44-43, **Факс** — 233-44-43, 233-09-93.

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:** **Қорақалпоғистон Республикаси** – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: **Андижон** – (+99893) 630-73-03; **Бухоро** – (+99891) 247-29-59; **Жиззах** – (+99890) 297-44-09; **Навоий** – (+99891) 537-14-36; **Наманган ва Фарғона** – (+99890) 278-95-87; **Самарқанд** – (+99891) 537-24-95; **Сирдарё** – (+99894) 168-23-60; **Сурхондарё** – (+99890) 519-86-50; **Тошкент** – (+99890) 976-39-58; **Хоразм** – (+99890) 438-71-25; **Қашқадарё** – (+99891) 635-08-03.

**Реклама ва эълонлар:** 236-26-50, 233-28-04.

**Навбатчи муҳаррир:** А.НУРУЛЛАЕВ
**Мусаҳҳиҳ:** О.ОЧИЛОВ
**Дизайнер:** М.БОБОМУҲАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. | Буюртма Г-714, ҳажми 2 босма табоқ. | Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. | Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 21.05 15844 нусхада босилди. Нашр индекси — 144 | Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй | E-mail: info@qishloqhayoti.uz | Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди. | "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. | 1 2 3 4 5